



ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРVARЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.

Тураханов Акром Абдуллаҳакимовиҷ

Фарғона давлат университети ҳарбий таълим факультети уқитувчиси

Хасанов Нурмуҳаммад Ҳайдарали ўғли

Фарғона давлат университети ҳарбий таълим факультети магистри

Аннотация: ушбу мақолада ватан ҳисси – муқаддас туйғу эканлиги, ёшларни ватанга бўлган меҳр – муҳаббатини шакллантириш ва юксалтириш, ватанпарварлик умуминсоний туйғу эканлиги хамда ўқувчиларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида ишонтириш, ўрнак, машқ, рағбатлантириш, мусобақа каби услублардан фойдаланилиши хақида сўз боради.

Калит сўзлар: ўқувчи, ҳарбий-ватанпарварлик, педагогик бошқарув, услуб, фаоллик, ишонтириш, ўрнак, машқ, рағбатлантириш, мусобақа.

Хар қандай мураккаб система сингари, ҳарбий- ватанпарварлик тарбияси ҳам бошқарув бўлишини тақозо этади. Бошқарув вазифалари кўп қирралидир, лекин унинг энг асосийси-бу бошқариладиган системанинг холатини ўрганишdir. Бу ерда сўз ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг ташкилланиши ва унинг натижалари, яъни ўқувчиларнинг ҳарбий хизматга муносабати, Ватан химоясига шайлиги тўғрисида ва бу ишларни такомиллаштириш ҳарбий қарорлар қабул қилиш тўғрисида бормоқда.

Бу асосий вазифалардан ташқари, ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг хисоботини юргизиш ва уни тахлил қилиш, педагог кадрларни танлаш ва жойига қўйиш, уларнинг вазифаларини белгилаш ва тартибга келтириш, шунингдек, бу маҳсулиятли ишда уларни назорат қилиш ва рағбатлантиришни ҳам ўз ичига олади.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини педагог бошқарувининг мухим тамоиллари қўйидагилардир:

-илмийлик, яъни хар хил ёшдаги ўқувчиларда ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини ривожланиши қонуниятларини хисобга олишга асосланганлиги;


жамоавий ва яккабошлиқ бошқарувининг бирлиги;

ошкоралик, ишчанлик, бутун педагог жамоанинг ўқув юрти бошқарувида қатнашиши;

-хар бир кишининг топширилган топшириқقا шахсий маъсулияти;

ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ташкиллашнинг режага асосланганлиги;

тарбиявий ишларда энг мухим йўналишларни танлаб олиш ва уларни ривожлантириш малакасининг борлиги;





-ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси жараёнига кенг оммани жалб қилиш ва бошқалар.

Бошқарув фаолияти-бу энг аввало, ўқув юрти маъмуриятининг вазифаси бўлиб у маъмурий топшириқ бериш усуллари билан бирга услубий усуллардан ҳам кенг фойдаланиши керак. Бу ўқитувчиларнинг ва синф раҳбарларини ҳарбий- ватанпарварлик ишларидаги педагогик маҳоратларини ўсишга ёрдам бериши, ўқув юртида фаоллик ва бу ишларнинг якуний натижасига интилиш каби ижобий холатларини шаклланишига хизмат қилиши зарур.

Бошқарув фаолиятининг муваффақияти педагогик жамоа ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш билан боғлиқдир.

Қуйида биз ўқув юрти маъмурияти ва ўқитувчиларининг ҳарбий- ватанпарварлик тарбияси борасидаги вазифаларни кўриб чиқамиз.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида тарбиянинг умумий услублари кенг қўлланилади. Ўқувчиларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида *ишонтириш, ўрнак, машқ, рағбатлантириш, мусобақа* каби услублар фойдаланилади.

Тарбия услублари ўз хусусиятлари бўйича ўргатиш, ривожлантириш, шунингдек, тарбиялаш вазифаларини ҳам бажаради.

Ч.Қ.Б.Т раҳбари дастур бўйича машғулотлар учун зарур бўлган услубларни танлайди, бу услублар кўзланган тарбия ва ўқув мақсадларига эришишни таъминлаши лозим.

Қуйида, биз ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий услубларини кўриб чиқамиз:

Ишонтириш услуби -ўқувчиларда кенг дунё қарашни, ватанпарварлик туйғуларини, асосий сифатларни шакллантирувчи ва уларни ривожлантирувчи асосий услугадир. Ч.Қ.Б.Т раҳбари бу услуг ёрдамида ўқувчиларнинг онги, туйғулари ва иродаларига бевосита таъсир этиб, уларни аниқ мақсадлар сари йўналтиради.

Ўрнак услуби -бу услуг асосида, аввало инсонларнинг ижобий образларига тақлид қилиш, уларга эргашиб каби онгли интилишлари ётади. Ўқувчиларга аждодларимизнинг қаҳрамонона ўтмишлари, уларни жасурликлари ва бугунги кундаги Қуролли Кучларимиз сафидаги фидоий офицер ва аскарларнинг жасоратлари хақидаги хикоялар чуқур таъсир этади. Улар бу қаҳрамонлар хаётидан фахрланадилар, улардан ўрнак олишга интиладилар, уларнинг хаёт йўлларини ўрганиб, уларга ўхшашга харакат қиласилар.

Ўқувчиларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ишларида тарбия, оммавий ташвиқот ишларининг кенг шакл ва услублари қўлланилади.

Шуни ёдда тутиш лозимки тарбиявий ишларнинг шакллари деганда, у ёки бу тарбиявий мақсадга эришишга йўналтирилган, ўқувчиларнинг жамоавий ва якка тартибдаги фаолиятларини ташкиллаш услублари тушунилади.

Бундай шаклларга қўйидагилар киради:

-маърузалар;





- докладлар;
- сұхбатлар;
- хикоялар;
- тематик кечалар;
- йиғилишлар;
- мажлислар;
- саёхат ва экскурсиялар уюштириш;
- жасорат дарслари;
- ҳарбий- спорт байрамлари;

Машқ - бу бирор бир ҳаракат ёки усуллар бўйича малакалар ҳосил қилиш ва уларни ривожлантириш мақсадида мураккаблаштирилган ҳолатда қўп маротаба тақрорлаш услубидир.

Машқлар жараёнида ўқувчилар қуроллар ва техникалардан фойдаланиш, уларни созлаш қоидалари, тактик, ўт очиш, техник вазифаларни ечиш усуллари, саф машқлари бўйича амалий малакаларни эгаллайдилар.


Ўқувчилар томонидан мақсадни, машқлар бажарилишини тартиблилигини тушуниш катта аҳамиятга эгадир. Ўрганиш давомида мураккаб ҳаракатларни қисмларга бўлиш мумкин. Машқлар жараёнида аввал, ҳаракатларни тўғри бажаришга, кейин эса, уни тезлатишга ҳаракат қилинади.

Ўқувчиларнинг ҳаракатлари ва юриш туришларини фаоллаштириш учун рағбатлантириш услублари қўлланилади.

Рағбатлантириш услуги - ўқувчилардаги ижобий қизиқиш ва интилишларни, уларда ўзига бўлган ишонч туйғуларини ривожлантириш ва эришилган натижаларига маъсулият хисси, янги мувафақиятларга интилишлар каби хислатларни шакллантириш учун қўлланилади. Рағбатлантириш шакллари бўлиб, бу ерда мақтов, миннатдорчилик, мукофот, фахрий таҳтачага ўқувчининг суратини жойлаштириш ва бошқалар бўлиши мумкин.

Мусобака услуги - бу ҳаракат ёки бирор бир усулни ким тезроқ ва яхши бажаришга йўналтирилган услубдир. У ўқувчиларда мусобақалашиш руҳини, илғорларга эргашиш, қолоқларга ёрдам бериш каби хислатларни шакллантиришга ёрдам беради. Мусобақа услуги ҳарбий иш асослари, ўт очиш, саф тайёргарлиги ва бошқа предметлардан ҳаракат ва усулларни бажаришда, нормативлар топширишда қўлланилади.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг шакл ва услубларини, улардан фойдаланиш тартиб қоидаларини чукур билиш, Ч.Қ.Б.Т раҳбарига ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ва оммавий-мудофаа ишларини пухта режалаштириш ва ташкиллашга имкон яратади.





ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Иброхимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т., 1996 й.
2. Қ.Назаров(муаллифлар жамоаси). Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Тошкент, 2007 й.
3. Д.Рафиқова, Г.Каримова. Ёшларни ижтимоий фаоллигини оширишда қадриятларнинг аҳамияти. Маданият чорраҳалари. Илмий журнал. 2020 йил, 1 сон.
4. Б.Зиёмуҳаммадов. Маърифат асослари. Тошкент, 1998 й.
5. Б.Зиёмуҳаммадов. Педагогика. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2006 й.
6. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Т., 1996 й.

